

Жавоб излаётган саволлар  
**Хусусий боғчага қанча тўлаш керак?**



Келгуси сонларда ўқинг

Бахтиёр МЕШПЕВ

**Адабий тилнинг ғайриилмий қоидалари**

Келгуси сонларда ўқинг

# Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2018 йил 14 апрель • шанба • № 44 (4017)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР МАМЛАКАТ РАВНАҚИ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан ақидан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 13 апрель куни Сирдарё вилоятида бўлди.

Мустақиллик йилларида вилоят ҳар томонлама ривожланди, шаҳар ва кишлоқлар обод бўлиб, аҳоли фаровонлиги ошди. Худудда амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида қурилиш, кишлоқ хўжалиги тармоқларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда салмоқли натижаларга эришилди.

Президентимиз ўтган йил 17 май куни вилоятга ташриф буюриб, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури доирасида 2017 йил якунига кўра, умумий қиймати 507 миллиард 200 миллион сўм инвестициялар ўзлаштирилиши ҳисобидан 1 минг 108 лойиҳа доирасида янги қувватлар ишга туширилиб, 6 минг 200 иш ўрни яратилди.

Давлатимиз раҳбари бу галги ташрифи давомида вилоятни янада ривожлантиришга қаратилган катор лойиҳаларнинг амалга оширилиши, берилган топшириқлар ижроси билан танишди.

Шавкат Мирзиёев дастлаб Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги «Бек кластер» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги кўшма корхона томонидан ташкил этилган замонавий гидропоник иссиқхонада бўлди, ишчилар билан мулоқот қилди.

Президентимизнинг Сирдарё вилоятига ўтган йилги ташрифи чоғида «Бек кластер» корхонасини ташкил этиш лойиҳаси тақдим этилган эди. Ушбу лойиҳа маъқулланиб, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори қабул қилинди. Киска вақтда корхона ташкил этилиб, унга вилоятдан 18 минг гектар ер ажратилди. Ушбу ерларда пахта, галла ва бошқа донли экинлар парваришланмоқда. Замонавий техникалар харид қилинган.

Мазкур кўп тармоқли кластер томонидан Мирзаобод туманида 100 гектар майдонда Жанубий Корея технологияси асосида замонавий гидропоник иссиқхона барпо қилинаётган. Бу ерда йилга 50 миллион долларлик маҳсулот етиштириш ва уни 100 фоиз экспортга йўналтириш мўлжалланмоқда.

Айни пайтда «Бек кластер» кўшма корхонаси қошида ўсимлик маҳсулотларини етишти-

риш, қайта ишлаш ва текшириш илмий-амалий маркази фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Бу ерда тупроқ таҳлили, ўсимликлар биотехнологияси ва химояси, селекция ва пахта уруғчилиги, полив ва сабзавот уруғчилиги, ўсимликлар генетикаси лабораториялари очилди. Асосий мақсад кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Ушбу лойиҳалар амалга оширилиши натижа-сида минглаб янги иш ўринлари яратилади.

Давлатимиз раҳбари иссиқхона конструкциялари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, мева-сабзавотчилик бўйича мутахассислар тайёрлаш, кластер қошида ташкил этилган илмий-амалий марказ фаолиятини такомиллаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

— Кишлоқ хўжалигига илмий ёндашмалар кўйганимиз сабабли, айрим экинлардан кутилган ҳосил ололмаямиз, — деди Шавкат Мирзиёев. — Шу жиҳатдан «Бек кластер» корхонаси қошида иш бошлайдиган илмий-амалий марказ фаолиятини қўллаб-қувватлаймиз. Бундай марказларни бошқа кластерларда ҳам ташкил этиш керак. Биз нафақат сифатли маҳсулот етиштириш, унинг харидорини топишни ҳам ўйлашимиз лозим. Бугунги замон шиддати шунга талаб қилади.

Президентимиз кишлоқ хўжалиги техникаларини ҳам кўздан кечирди. «Social web solution» корхонаси мутахассислари томонидан яратилган АКТ дастурига алоҳида эътибор қаратди. Бу дастур электрон савдонни кенгайтириш, интернет орқали ижтимоий хизматлар кўрсатиш борасида аҳолига қўллаб қўлайликлар яратди. Дастур ташаббускорларини қўллаб-қувватлаш, ундан фойдаланишни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Шу ерда вилоятда баликчилик, чорвачилик, ипакчилик ва кўнчиликни ривожлантириш, 2018-2019 йилларга мўлжалланган ирригация ва мелiorация давлат дастури, шол етиштириш, лалми ва томорқа ерлардан самарали фойдаланиш, ирригация-мелiorация тармоқларини қуриш ва реконструкция қилишга қаратилган лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев тадбиркорлар ва хориқлик инвесторлар билан мулоқот қилди, лойиҳалар самарадорлигини ошириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Шундан сўнг М-34 «Тошкент — Душанбе» автомобиль йўлининг 117-146 километрларидаги Тошкент кўчасида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари билан танишди. Ушбу йўлнинг икки километрга намуна сифатида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилган. Махсус пиледалар йўлакчаси, велосипедда ҳаракатланиш учун алоҳида йўлак ташкил этилган ҳамда замонавий энергия тежамкор туңги ёриткичлар ўрнатилиб, кўча бўйлаб манзарали даракт кўчатлари экилган.

Тошкент кўчаси бўйлаб вокзал, автобус бекатлари, масжид, сайёҳлик маркази, маданият ва маиший хизмат кўрсатиш маркази, бозор, диагностика маркази каби ижтимоий соҳа объектлари барпо этилди. Мазкур кўча 2018-2019 йилларда қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Йўл бўйидаги инфратузилма объектлари қурилишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Уларнинг бир-бирига ҳамоҳанг бўлиши, умумий концепция қасб этиши мақсадга мувофиқ, — деди Президент. — Йўл қурилишида шомша-шошарлик қилиш керак эмас. Бу боралда сифат асосий кўрсаткич бўлмоғи лозим. Йўл бўйидаги темир тўсиқлар йўловчиларга асло ҳалокат бермаслиги керак.

Лойиҳа тўлиқ ишга туширилган, пиледалар ва хайдовчиларга қўлай шарт-шароитлар яратилади, шунингдек, келгусида замонавий талабларга асосан Тошкент кўчаси мисолида вилоятнинг барча кўчалари қайта таъмирланади.

Президентимиз Гулистон шаҳридаги сув спорти турларига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида қурилган ёпик сузиш хавзасини бориб кўрди.

Спорт мактабидаги 25x11 ҳамда 6x12,5 ўлчамдаги сузиш хавзалари, баландиндан сувга сакраш спорт тури учун алоҳида зал қурилган бўлиб, ҳовузнинг ҳажми 12x10 метр ва ёш спортчилар сувга сакраши учун уларга мослаб 1,3 ва 5 метр баландинда трамплинлар ўрнатирилган. Тошоабилар учун 250 ўриндик мавжуд. Қўнига 250 кишини қабул қилиш қувватига эга мажмуа барча жиҳозлар билан таъминланган, тиббиёт хоналари, тренажёр, ошхона ва бошқа хоналарда спортчилар мунтазам шугулланиши мумкин. Бундан ташқари, сувни тозалаш, иситиш ускуналари ҳам ўрнатирилган. Айни пайтда бу ерда сузиш бўйича ташкил этилган 15 ўқув-машғулот гуруҳига 176 ёш жалб қилинган.

Ёпик сузиш хавзасининг ҳаво айланиш тизимини яхшилаш, шугулланувчилар учун янада қўлай шарт яратиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари Гулистон шаҳрида

ташкил этилган Алишер Навоий номидаги Билдмонлар масканида бўлди.

Шаҳарнинг Ислоҳ Каримов кўчасидаги мавжуд хиёбон қайта реконструкция қилиниб, ушбу янги маскан иш бошлади. Барча шароитлар яратилган мажмуада 1 та китоб дўкони, 1 та гул дўкони ҳамда китобхоналар учун махсус айвонлар барпо этилган.

Президентимиз мазкур айвонда вилоят ижодкор зиёлилари, ижтимоий соҳа, ёшлар вакиллари билан учрашди. Унда мамлакатимиз ва халқаро аҳамиятта молик масалалар хусусида сўз юритилди.

— Оддий одамларнинг розилигига эришиш учун халқ жуда кўп ишлар қилишимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев. — Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Сирдарё вилоятида ҳам янги корхоналар қуришимиз зарур. Бу аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини оширишда муҳим асос бўлади.

Учрашувда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг билим ва малакасини ошириш йўлида қабул қилинаётган муҳим ҳужжатлар учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Билимдонлар маскани вилоят ёшларини ватанпарварлик ва миллий кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, жисмонан ва маънан баркамол улғайтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари Сирдарё туманидаги «Сирдарё мега люкс» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида қадоклаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

Президентимиз корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди. Тақлиф этилаётган лойиҳалар, истикболдаги режалар билан кизиди.

2012 йили ташкил этилган қўшма корхонада полипропилен грануласидан кимё, қурилиш, тўқимачилик, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат, фармацевтика, кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати, хомашё ва материаллар экспорти билан шугулланувчи савдо компаниялари учун турли ўлчамдаги қадоклаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда.

Дастлаб 75 ишчи билан фаолият бошлаган ва янги бир турдаги қоплар ишлаб чиқарилган корхонада айни пайтда маҳсулот тури 17 тага, ишчи-хизматчилар сонини 650 кишига етди. Маҳсулотларнинг 35-40 фоизи Россия, Беларусь, Украина, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон, Болтиқбўйи давлатларига экспорт қилинмоқда.

2

### КҮН НАФАСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонини имзолади.

Унда давлатимиз адлия органлари фаолиятида мавжуд камчиликларни бартараф қилиш ва 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ҳамда давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида улар фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

«Давлат мукофотлари тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрири эълон қилинди. Мазкур қонун билан давлат мукофотларининг турлари белгиланди.

Унда «Ўзбекистон Қаҳрамон» унвонидан ташқари яна 34 та фахрий унвон, 11 та орден, 4 та медаль ва Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан тақдирлаш тартиби баён этилган.

Давлат мукофотлари билан тақдирлашга доир тақдимнома Ўзбекистон Республикаси Президентига Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Қонунийлик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини, Конституциявий суди, Олий суди, Судьялар олий кенгаши, Марказий банки, Давлат хавфсизлик хизмати, Ҳисоб палатаси, Марказий сайлов комиссияси раислари, Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, бошқа республика муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари республика органларининг раҳбарлари томонидан киритилади. Чет эл фуқаролари ва фуқароллиги бўлмаган шахсларини, шунингдек, чет эл юридик шахсларини тақдирлашга доир тақдимнома Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вази-

лиги билан келишилган ҳолда киритилиши белгиланди.

Давлат мукофотлари билан тақдирлаш Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат мукофотлари билан тақдирлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ташаббуси билан амалга оширилади.

Мамлакатимизда «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун кучга кирди.

Унга мувофиқ фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектларига киритилди.

Жамоатчилик назоратининг объекти сифатида давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқ-тартибот ва назорат идоралари ҳамда уларнинг мансабдор-шахсларининг фаолияти белгиланди.

Жамоатчилик назоратини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг тарқатилиши қонун билан чекланган бўлса, унинг маъийлигига риоя этилиши шарт.

Шавкат Мирзиёев 12 апрель куни Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Илҳом Алиевни куни кеча бўлиб ўтган Озарбайжон Президентини сайловиди ишончли ғалабага эришгани билан самимий табриқлади.

Мулоқот якунида Президент Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевни мамлакатимизга давлат ташрифи билан келишга тақлиф этди.

Озарбайжон Президенти давлатимиз раҳбарига самимий табрик ва эзгу тиллар учун чўқур миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонга ташриф билан келиш тақлифини мамнуният билан қабул қилди.

2

Ўзбекистонда кечаётган бугунги ўзгаришлар мамлакат янги тарихини бошлаб берди, десак муболаға бўлмайдими. Зотан, юртимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда юз бераётган улкан янгиланишлар давлатимизнинг дунё ҳамжамияти билан том маънода интеграциялашувини таъминламоқда. Мухтасар айтганда, бугун юртимиз дунёни ўзига қорлапти, ёпиқликдан очиб прагматик сиёсат сари юзланмоқда. Бундай тутум, шубҳасиз, бугунгача мавжуд бўлган тартиб-қоидаларни ислоҳ қилиш ва уларни дунё андозаларига ўйғунлаштиришни тақозо этади. Касаба уюшмалари Федерациясининг ҳамкор ташкилотлар иштирокида «Ҳаракатлар стратегияси ва кучли ижтимоий сиёсат: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш ташаббуси моҳиятида ҳам айнан шу мўдао мужассам топган.



## Халқаро конференциянинг бош мавзуси:

# «КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ХОС ТАЖРИБАСИ»

Биз нималарни мақсад қилмоқдамиз? Энг аввало. Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакатимизда ҳаётга таъбиқ этилаётган мураккаб янги ижтимоий сиёсатнинг мазмуни ва моҳиятини дунё жамоатчилигига етказиш, қолаверса, давлат органлари, касаба уюшмалари, Савдо-саноат палатаси ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг аҳолини ижтимоий химоя қилиш борасидаги ўзаро ҳамжиҳатлиги ва шериклиги истикболларини белгилаб олишни режалаштирмоқдамиз.

Мақсадга кўра, мазкур анжуман ижтимоий-мехнат масалаларини ҳал этишда бевосита қатнашаётган иштирокчиларнинг тақлиф ва мулоҳазалари ҳамда таърибларини конструктив муҳокама қилиш, ўзаро фикр алмашишлари учун халқаро платформа вазифини

ўтайди. Бу формат шак-шубҳасиз, Ўзбекистоннинг очиклигини, фаол, амалий ҳамкорликка, халқаро ва чет эл таърибларини ўрнатилиши асосида аҳолини ижтимоий химоя қилиш бўйича вазибаларни ҳал этишга тайёрлигини ҳам намоиш этади.

Шуни алоҳида айтиш керакки, мазкур ғоя Халқаро Мехнат ташкилоти (ХМТ), Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси (ХКУК), Умумевропа касаба уюшмалари ҳудудий кенгаши (УЕКУХК), Халқаро иш берувчилар ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланди. Ва унинг ишида мазкур ташкилотлар мутасаддилари, шунингдек, ижтимоий тараққиёт, иқтисодиёт ва ҳуқуқ соҳасидаги миллий ва чет эллик экспертлар қатнашиши кўпайтади.

Форум ўз дастурида мамлакатимиздаги

ижтимоий-иқтисодий аҳвол, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ишлар, таълим, ижтимоий инфратузилма, арзон уй-жойлар, иш жойларидаги меҳнат шартноғлари, давлат органлари, касаба уюшмалари ва иш берувчи ҳамкорлиги борасида аниқ тасаввурга эга бўлишлари учун иштирокчиларнинг бевосита жойларга сафар уюштирилишини ҳам кўзда тутган. Қолаверса, анжуманда ялпи мажлислардан ташқари, аҳолининг реал даромадлари ва бандлигини изчил ошириш орқали фаол ижтимоий химоя, аҳолини ижтимоий химоялаш ва соғлиқини муҳофазат қилиш йўналишидаги давлат тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, аҳолининг яшаш шартноғлари яхшилланишини таъминловчи арзон уй-жойлар қурилиши, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривож-

лантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим ва фан соҳасини ривожлантириш истикболлари, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш каби йўналишлар бўйича мунозаралари ҳам режалаштирилган.

Дастурда, шунингдек, Халқаро мехнат ташкилотининг меҳнатқашлар фаолияти Бироси (ACTRAV) шафелигида Марказий Осиё давлатлари касаба уюшмалари етакчилари учрашуви ҳам ўтказилди.

Келинг, шу ўрнида учинчи минг йилликка келиб дунёда касаба уюшмаларининг оддий инсонлар ҳаётидаги ўрни, унинг мақсад ҳамда вазибалари айнан нималарда устувор даржада намоён бўлаётганига эътибор қаратайлик.

3

# ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР МАМЛАКАТ РАВНАҚИ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

## КҮН НАФАСИ

41 Корхонада 2018 — 2023 йилларда қиймати 100 миллион АҚШ доллари бўлган еттига истиқболли лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Полипропилендан кадоқлаш маҳсулотлари, экспорт били шуғулланувчи компаниялар учун юмшоқ контейнерлар, кадоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун плёнкалар, четдан импорт қилинаётган ёрдамчи хом ашё ва материаллар ишлаб чиқариш каби лойиҳалар шулар жумласидандир. Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида 2 минг 500 киши иш билан таъминланади. Қувватлар тўлиқ иш бошлаб, йилга 125 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиниб, 80 миллион долларлик импорт ўрини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилади. Мазкур маҳсулотларга ҳозирнинг ўзида МДХ, Европа Иттифоқи, Лотин Америкаси мамлакатларидан тақрифлар тушмоқда.

Давлатимиз раҳбарига ушбу лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Қайд этилишича, ишга туширилган янги тармоқларга Россия, АҚШ, Германия, Италия, Австрия каби давлатлардаги етакчи компанияларнинг замонавий технологик ускуналари ўрнатилди. Ушбу қувватлар корхона ёнида барпо этилган технопаркда жойлаштирилди.

Президентимиз янги маҳсулотларнинг ҳаридорлигини, экспорт географияси билан қизиқди. Ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни кенг жорий этиш орқали ташқи бозорда Ўзбекистон маҳсулотларининг мавқеини ошириш бўйича зарур кўрсатма ва тавсиялар берди.

«Сирдарё мега локс» қўшма корхонаси ҳудудида вилоятда ишлаб чиқарилаётган сановат маҳсулотлари кўргазмаси ва сановатни ривожлантириш бўйича лойиҳалар тақдими ўтказилди. Вилоятнинг географик жойлашуви ҳудуднинг сановат, логистика имкониятларини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, чет эллик ҳамкорлар билан алоқаларни мустақамлашда катта қулайлик яратди. Вилоятда хорижий компаниялар иштирокида 90 корхона фаолият юритмоқда. Улар

томонидан замонавий логистика марказлари ташкил этиш, Led лампочкалари, лифт ва эскалаторлар, қурилиш учун металл конструкциялар ишлаб чиқариш, чарм, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва кадоқлаш, фармацевтика соҳаларида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

2018-2019 йилларда вилоятга жалб қилинадиган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар самарасида қиммат, кишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, енгил сановат ва бошқа тармоқларда қатор истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилади. Ушбу йўналишдаги 203 лойиҳа амалга оширилиши натижасида 14,6 минг иш ўрни яратилди.

Давлатимиз раҳбари «Идеал асп» корхонасининг босим остида ишлайдиган ускуна ва махсус техникаларини кўздан кечирди. Мазкур сизимлар сувоқтирилган газни сақлаш ва ташинишга мўлжалланган бўлиб, чекка ҳудудлар аҳолисини табиий газ билан таъминлашда катта қулайлик яратди.

Президентимиз мазкур сизимларни кўп қаватли уйлар, савдо марказлари қуриш лойиҳаларига қиритиш зарурлигини, бу катта иқтисодий тежамкорлик келтиришни таъкидлади.

Гулистон шаҳрида жойлашган «Modern lift systems» МЧЖда энг замонавий ва энергия тежамкор технологик ускуналар билан жиҳозланган лифт ва эскалатор ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Ушбу лойиҳа, аввало, вилоятларда қурилаётган кўп қаватли уйларни лифт билан таъминлаш имконини беради. Йилга 500 дона лифт ва 300 дона эскалатор ишлаб чиқариш қувватига эга корхона маҳсулотларининг бир қисми ички бозор талабларини қондира, 35 фоизи экспортга йўналтирилади.

«Янгир» кичик сановат зонаси ҳудудида «Баҳромжон Нур савдо» хусусий корхонаси 2010 йили ташкил этилган. Асосан лок-бўёқ ва курук сувоқ материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада янги маҳсулот турларини ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилдан корхонада 30 турдаги кроссовкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бугунги кунда

корхонада 163 ишчи меҳнат қилмоқда. Шу пайтгача кроссовкалар асосан четдан келтирилди. «Баҳромжон Нур савдо» хусусий корхонасининг маҳсулотлари импорт ўрнини қоплаш ва экспорт қилиш имконини беради.

— Мен иккита ишчи ўрни яратган тадбиркорни елкамда кўтаришга тайёрман, деган эдим. Мана шундай корхоналарни ташкил этиб, 100-200 ишчи ўрни яратётган юртдошларимиз мамлакатимизга катта фойда келтиради, ички бозоримизни эгаллайди. Ушбу лойиҳани кенгайтириш, маҳсулотга кетаётган материалларни тўлиқ ўзимизда ишлаб чиқаришга эришиш керак. Бунинг учун тадбиркорга қўмақ бериш, зарур маблағ билан таъминлаш лозим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз «Storus Uz composite» корхонасида маҳаллий хом ашё, яъни шипа пахта, кварц қуми ва эфир мойидан ишлаб чиқарилаётган лоток ва қувурларнинг афзаллигига алоҳида эътибор қаратди. Ушбу маҳсулотлар бетонга қараганда анча чидамли, камқарж ва узок муддат фойдаланиш мумкин.

— Бундай маҳсулотлар нафақат Сирдарё вилояти, балки бутун мамлакатимиз учун жуда фойдали, — деди давлатимиз раҳбари. — Сув исрофгарчилигини камайтириш, кишлоқ хўжалигида даромадди оширишда бундай инновацион ёндашувларнинг аҳамияти катта. Ушбу маҳсулотларни фермер ва деҳқонларга кенг тарғиб этиш керак.

Боёвут туманида «Maker International Uzbekistan» корхонаси томонидан гулжавахар (бархатец) гули етиштириш ҳисобига табиий дори экстрактини олиш йўлга қўйилди. Бунинг учун 1000 гектар ер ажратиб режалаштирилган. Ушбу майдонда 30 минг тонна гул етиштириш, ундан 300 тонна экстракт олиш мумкин. Гул пояси чорва учун озуқа бўлади.

Лойиҳа ишга туширилиши натижасида йилга 10 миллион долларлик дори воситалари ишлаб чиқарилади, 200 киши донмий, 1000 дан зиёд киши мавсумий иш билан таъминланади.

Лойиҳанинг афзаллиги, табиий дори экстрактининг бозори бор. Хитойдан ташқари АҚШ, Испания, Мексика ва Европа давлатларига экспорт қилиш режалаштирилган. Бу юртимизга валюта тушумини кўпайтиришга хизмат қилади.

Гулижавахарнинг бир гектаридан 5 минг долларгача фойда олиш мумкин. Ушбу ўсимликдан олинган экстракт иммун тизимини мустаҳкамлайди, қон босимини пасайтирувчи хусусиятга эга. Бундан ташқари, вирусларга қарши қурашувчан бўлгани боре жуда ҳам фойдали. Корхона ташаббускорлари ярим тайёр маҳсулот билан қечани қолмай, келгусида тайёр дори воситалари ишлаб чиқаришни максат қилган.

Президентимиз гулижавахар ўсимлиги екиладиган майдонларни 2 минг гектарга кенгайтириш, келгуси йилларда бошқа вилоятлар ҳисобига 5 минг гектарга етказиш ва экспорт ҳажминини кўпайтириш бўйича топшириқлар берди.

Тақдирот чоғида давлатимиз раҳбарига Сирдарё вилоятидаги «Peng Sheng» мажмуаси таркибидagi «AWP» қўшма корхонасида сув жиҳозлари, жездан дастаклар, фитинглар, катта ҳажмдаги керамик плиталар, эшик қулфлари ишлаб чиқариш каби қатор янги лойиҳалар намойиш этилди.

Шавкат Мирзиёев кўпроқ янги иш ўринлари ташкил этиш, маҳаллий хом ашё асосида маҳсулот ишлаб чиқаришга кўпроқ хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича топшириқлар берди.

Шу кун Сайхунобод туманидаги 8-болалар мусика ва санъат мактабида вилоят фаолилари иштирокида йилги бўлиб ўтди. Видеоселектор шаклида ўтган йилги вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, таълим, тиббиёт соҳаларидаги ўзгаришлар, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Сирдарё вилоятига ташрифи якунига етди.

ЎЗА

### Мусобақа

Турли кўринишдаги ташқи таҳдидлар, турфа маданиятлар таъсирига қарши муносиб иммунитетни шакллантириш жиддий эътибор ва кўп вақт талаб этади. Шукрки, бизнинг дунё ҳавас қиладиган, илдизи мустаҳкам тарихимиз, билимли ва жасур аجدодларимиз борки, бу барчамиз учун ҳақиқий тарбия мактабидир.

### Шиддатидан ўт чақнар

Тарихий аъёнларга содиқ қолган ҳолда ўсиб келаётган авлодни жиҳмонан бақувват ва маънан етуқ этиб тарбиялашга жиддий ёндашилаётган ҳар қанча қувонсак арзийди. Бу таълим-тарбия тизимини ислоҳ этишдан тортиб, турли мусобақа ва танловларда яққол кўзга ташланаётти.

Республика чегараолди ҳудудларида жойлашган касб-ҳунар коллежи, академик лицей, шунингдек, умумтаълим мактабларида тахсил олаётган чакриққа тайёргарлик ёшидаги ўқувчиларини Ва-танга муҳаббат, ҳарбий бурчга салокат руҳида тарбиялаш, чегара хизматига бўлган қизиқишларини ошириш ва босқич-ма-босқич тайёрлаб боришга қаратилган «Ёш чегарачилар» ҳарбий мусобақаси ҳам шулар жумласидан.

Давлат хавфсизлик хизматининг давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўма-таси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши ҳамда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюмчаси Қарши шаҳар кенгаши, шунинг-дек, қатор жамоат ташкилотлари ҳамкор-лигида мазкур мусобақанинг Қашқадарё вилояти босқичи кўтаринки руҳда таш-кил этилди. Вилоятдаги қатор касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларидан иборат «Ёш ҳарбийлар», «Бургут», «Соҳибқирон», «Қалқон», «Лочин» жамоаларининг бел-лашув мурасиз ва қизиқарли ўтгани билан йилгиланлар эътиборини тортиди.

— Ёшларимизнинг мусобақа жараё-нидаги шиддатини кўриб, кўнглингиздан беихтиёр мамлакатимиз эртанги кунини ва тинчлигини ишончи қўлларда эканидан фахрланиш ҳисси ўтади, — деди тармоқ ходимлари касаба уюмчаси Қарши шаҳар кенгаши раиси Муножат Норов. — Улар учун барча шароитларни яратиб бериш ва қўллаб-қувватлаш барчамизнинг бурчимиз-дир.

Мусобақа натижаларига кўра, голиб бўлган жамоаларга ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди. Улар мусобақанинг Республика финал босқичида иштирок этиш йўллан-масини ҳам қўлга киритди.

«Ойдиной» фольклор жамоаси, Жануби-Ғарбий махсус ҳарбий округи оркестр ва ансамбл жамоаларининг бадий чиқо-шлари, Тазквандо спорт санъати усталари ҳамда ҳарбий қисм томонидан қўл жанги саҳна кўринишлари тадбири ўзгача файз киритди.

Ўз мухбиримиз

### Брифинг

## Анжуманга қизиқиш катта

Жорий йилнинг 24-26 апрель кунлари Касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ҳамкор ташкилотлар иштирокида ўтказиладиган «Ҳажратлар стратегияси ва кучли ижтимоий сиёсат: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон таъриби» мавзусидаги халқаро конференция олдида брифинг ташкил этилди.

Унда журналистларга халқаро анжумандан кўзланган мақсад ва унинг мазмун-моҳи-яти, конференция якуни бўйича қабул қили-ниши кўзда тутилган тавсиялар тўғрисида тах-лилий ахборот ва маълумотлар тақдим этилди. Брифингда ушбу анжумани ўтказиш го-яси Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), Халқаро касаба уюшмалари Конференцияси (ХКУК), Халқаро касаба уюшмалари Конференцияси-нинг Умумеропа худудий кенгаши, Халқаро иш берувчилар ташкилоти томонидан тўла қўл-лаб-қувватлангани, конференция ишида мазкур нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатларнинг касаба уюшма марказлари, Ўз-бекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари ва халқаро ташкилотлар раҳ-барлари, дунё микросида обр-эътиборга эга бўл-ган хорижий экспертлар ва олимлар иштирок этиши алоҳида қайд этилди. Конференцияда 30 дан ортиқ мамлакатдан нуфузли хорижий экс-пертлар ва олимлар, шунингдек, Ўзбекистон Рес-публикаси Парламенти аъзолари, мамлакатимиз-даги суд ва ҳуқуқ-тартибот органлари, вазирилик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, республика ва хорижий оммавий ах-борот воситалари ҳамда Ахборот агентликлари журналистлари катнашди.

Халқаро конференцияни ўтказишдан кўзлан-ган асосий мақсад — мухтарам Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётган «2017 — 2021 йилларда Ўз-бекистон Республикасини ривожлантиришнинг бе-шта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» асосида фуқароларнинг ижтимо-

ий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш борасида шу кунгача амалга оширилган тизимли ислохот-лар ва уларнинг ижобий натижасини, мамла-катимизнинг янги иқтисодий ва сиёсий қиёфасини халқаро ҳамжамиятга намойиш этиш, хорижий экс-пертларни катта қўллаб-қувватлаш бўлиб ишлар билан яқиндан таништириш ҳамда мазкур йўналишдаги халқаро тажрибани ўрганиш, шунингдек, аҳо-лини кучли ижтимоий ҳимоялаш соҳасида дав-лат органлари, касаба уюшма ташкилотлари, Сав-до-сановат палатаси ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ижтимоий ше-рикликни янада ривожлантириш истиқболларини белгилаб олишдир.

Тадбирда янги мажлисдан бир кун аввал хо-рижий иштирокчиларнинг Самарқанд, Бухоро ва Тошкент вилоятларига ташрифи режалашти-рилгани маълум қилинди. Бу меҳмонларга мам-лакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат ва инсон манфаатлари йўлидаги ислохот-ларнинг натижаларини оддий одамлар ҳаёти ми-солида кўриш имконини беради. Хусусан, хори-жликлар соғлиқни сақлаш таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти билан яқиндан танишиб, ижтимоий инфратузума объектлари, аҳолининг кам таъ-минланган тоифалари учун қурилаётган арзон уй-жой мажмуалари, меҳнат жамоалари ва аҳоли хонадонларида бўлибларди. Шунингдек, тарихий обидаларга ташриф уюштирилди.

Брифингда халқаро конференция бевосита ижтимоий-меҳнат масалаларини ҳал этиш билан шуғулланувчи анжуман иштирокчиларнинг тақрифлари, фикрлари ва тажрибаларини кон-

структив муҳокама қилиш учун халқаро майдон вазиёсини ўтатиш алоҳида таъкидланди. Анжум-анининг айнан шу форматда ўтиши Ўзбекистон-нинг халқаро ҳамжамиятга очиллигини, мазкур йўналишда илгор халқаро ва хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда ҳаётга татбиқ этишга хаминша тайёр эканлигини намойиш этади.

Таъкидландики, Халқаро анжуманининг би-ринчи Ялпи мажлиси 25 апрель кунини «International Hotel Tashkent» меҳмонхонасининг «Амир Те-мур» конференц-залда ўз ишнини бошлади.

Ялпи мажлисдан сўнг иштирокчилар 4 гу-руҳга бўлинган ҳолда секциялар бўйича йил-ги йилларда иштирок этадилар. Секциялар бўйича йилги йилларда «International Hotel Tashkent» меҳ-монхонасининг «Амир Темури» ва «Самарқанд» залларида ҳамда «Халқаро Hamkorlik Markazi» АК Халқаро бизнес марказининг «Навоий» ва «Тош-кент» залларида бўлиб ўтади.

Секция йилги йилларда аҳолининг реал дар-омадлари ва бандлиги даражасини ошириш орқали ижтимоий ҳимояни кучайтириш, фуқаро-лар ва улар салооматлигини ижтимоий ҳимоя-лаш, арзон уй-жойлар қуриш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инф-ратузилмаларни ривожлантиришнинг максалди дастурларини амалга ошириш, фан ва таълим соҳасини ривожлантириш истиқболлари, хо-тин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомил-лаштириш йўналишларидаги ишлар хусусида фикр юритилди.

Бўйича йилги йиллар давом эттирилади. Ялпи мажлисда секциялар модераторларининг тақди-мотлари эшитилди ҳамда халқаро конференция-нинг якуни бўйича Тавсиялар қабул қилинди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбот кизмати

Ўтган йили Агрисаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Арнасой туман кенгаши томонидан ту-зилган рўйхат асосида кўплар қатори бу аёлга оилавий шароити ҳисобга олиниб, микротўлкили печ совға қилинди. Ўғлининг суннат тўйи ўтказиб берилди. Бу йил эса аёл тўрт нафар вояга етмаган фарзанди борлигини рўқач қилиб, эндиликда касаба уюшмаларидан телевизор сўради...


## Берилмаган телевизор

роқ бўлишини аналди. Ҳозирда у ту-манда янги барпо этилган корхоналар-дан бирини иш бошлаган.

Арнасой тумани Жиззах вилояти-нинг энг олис ва чекка ҳудудларидан саналади. Кейинги йилларда туман агрисаноат тизимида ижобий ўзгариш-лар рўй берди. Бунда тармоқ ходим-лари касаба уюшмасининг ҳам бор-лиги қувонарли.

Олти минг нафарга яқин аъзони са-фида бирлаштирган кенгашга тажри-бали, ўз ишнинг билимдони бўлган Нормурод Низомов раҳбарлик қил-моқда.

Туманда ўтган йили кам таъмин-ланган тўққиз оиланинг уйи таъмир-лаб берилди. Бундан ташқари, 35 та



оилага тўрт физик имтиёзи кредит ажратилди. 34 та оила эса газ плитаси ва баллони билан таъминланди. Чекка кишлоқларда истикомат қилувчи эҳти-

ёжманд оилаларнинг 111 тасига маи-ший техника жиҳозлари улашилди. Олти нафар ижтимоий ҳимоялаб бе-морга дори-дармон олиб берилгани ҳам шундай савобли ишлар сирасидан.

оилавий аҳоли ўрганилиб, ҳақиқа-тан ҳам эҳтиёжманд эканлиги ту-файли сарфланган дори-дармон учун 3268-сонли Президент фармони асо-сида уч миллион юз минг сўм пул ўт-казиб берилди. Бундай рўйхатни яна узок давом эттириш мумкин.

Энг муҳими, агрисаноат ходимлари касаба уюшмаси бундай ишларнинг ҳаққонийлигини таъминлашда бош-қоч бўлмоқда.

Меҳнат қонучилигининг бузилиши юзасидан мурожаатлар ҳам ижобий ҳал этилмоқда. Масалан, Шерали Холбоев иш берувчининг ўзини ноқонуний вази-фасидан озод этгани ҳақидаги муро-жаати тегишли тартибда ўрганилганида қонун талаблари бузилгани аниқланди ва бу ҳақда иш берувчига тақдимнома киритилди. Талаб қондирилмагач, хо-лим манфаатини кўлаб, фуқаролик су-дига даъво аризаси киритилди. Суд уни қаноатлантирди.

Хулоса ўрнида айтиладиган бўлсак, ташаббус ва жонқурлик бундай эзгу ишларда бош оми бўлмоқда.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

# Халқаро конференциянинг бош мавзуси: «КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ХОС ТАЖРИБАСИ»



41  
Энг аввало, бу — тўлик ва махсуддор бандликни таъминлаш, меҳнатга муносиб ҳақ тўлашига, ижтимоий ҳимоя ва мулоқотга эришиш, қашшоқликни йўқотиш, инсон ҳуқуқлари ва касба уюшмалари эркинлигини кафолатлаш, меҳнат муносабатларидаги ҳар қандай камситишларни бартараф этиш, аёллар ва эркаклар тенглигини таъминлаш, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга бутунлай чек қўйишга эришиш ҳамда атроф-муҳитни ҳимоялаш каби вазифалардан иборатдир.

Афсуски, бутун глобал меҳнат бозори бу максалларга эришиш йўлида янгидан-янги тўсиқларга учрамоқда ва таъбир жоиз бўлса, улар ижтимоий-меҳнат соҳасининг замонавий қурилмаси пойдеворини нуратмоқда.

Энг асосий муаммолар нималарда кўринади? Биринчи муаммо норасмий бандликнинг ўсиши, норасмий секторнинг ривожланиши ва кенгайиши бўлиб, у солиқ тўловларидан тушадиган даромадларнинг камайишига, расмий сектордаги рақобатбардошлиқнинг пайсанишига, энг ёмони, ижтимоий дастурларнинг қисқартирилиши ва етарлича молиялаштирилмаслигига олиб келмоқда.

Иккинчи муаммо масофавий ва ижара тарикасидаги меҳнат, аутсорсинг ва аутстаффинг каби меҳнат моҳиятини тубдан янгилловчи форматнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Бу эса, ўз-ўзидан, меҳнат муносабатлари соҳасининг шакл-шамойилини кескин ўзгартириб, ижтимоий ҳимояни жуда паст даражага олиб келувчи ностандарт бандлик шаклларида намоён бўлмоқда.

Учинчи глобал муаммо рақамли технологияларнинг ижтимоий ҳаётда тобора фаол қўлланилаётганига бориб тақалади. Эътибор бериш, акборот-коммуникация технологияларининг тезкор ривожланиши ҳисобига яқин 25 йилда сайёрамиз миқёсда иш жойларининг 47 фоизга қисқариши тахмин қилинмоқда. Тахлилчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, яқин 15 йилдан сўнг, дейлик, бухгалтерия, солиқни сақлаш, адвокатура, олий таълим ва халқ таълими соҳаларидаги мавжуд мансабдор хизматчилар ўринларига деярли эҳтиёж қолмайди... Демакки, бугунги долғали замон бизнинг олдимишга асоси бундан 100 йил аввал яратилган ижтимоий ҳимоянинг классик тизимларини қайта шакллантиришни тақозо этаётди.

Халқаро миқёсда ижтимоий ҳимоя энг кам даражасининг тан олинган 9 тури мавжуд бўлиб, булар тиббий хизмат, ишсизлик бўйича нафақа, бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги бўйича етказилган зарарни қоплаш бўйича нафақа, ҳомилдорлик ва туғиш нафақаси, боқувчисини йўқотиши муносабати бўйича нафақа, касаллик бўйича нафақа, қариллик бўйича пенсия, оилавий нафақа, ногиронлик бўйича нафақаларни ўз ичига олади. Эътиборли жиҳати, ушбу хизматларнинг 5 тури тўлиқ, 2 тури эса қисман ижтимоий сўғурга тизими билан қамраб олинган ҳодимнинг ҳиссасига тўғри келади. Бироқ афсуски, бугунга келиб ижтимоий сўғурталangan ҳодимлар сони борган сари қайишган кетаяпти.

ХМТ маълумотларига кўра, айни пайтда дунё аҳолисининг 55 фоизи ижтимоий ҳимоядан маҳрум бўлса, атиги 29 фоизи комплекс ижтимоий таъминотдан фойдаланиш имкониятига эга. Пенсия ёшидаги кексаларнинг 68 фоизи қариллик пенсиясини олишди. Бу эса кўлаб мамлакатларда ҳам жамагариб бориладиган, ҳам сўғуртали пенсия таъминотининг етарлича ривожланмаганлигини кўрсатади. Яна бир оғир муаммо — тараккий топган йигирма биринчи асрда ҳам, афсуски, инсонларнинг солиқни сақлашга бўлган ҳуқуқи дунёнинг кўпгина минтақаларида ҳали реал ҳақиқатга айланмади. Бу, айниқса, аҳолининг 56 фоизи мазкур имтиёздан маҳрум бўлган қишлоқ жойларига тааллуқлидир.

Демак, бу борада муҳокама қилиниши лозим бўлган мавзулар етарли.

Яқинда ХМТ жаҳон ҳамжамиятига бутунгача амалиётда бўлмаган — хусусий бегариз ёрдамчи энг кам даражадаги ижтимоий ҳимояни таъминлаш учун йўналтириш ҳақидаги чакрик билан мурожаат қилди. Ва бу билан у ўз тажрибасида жисмоний шахс корхона ва жағармаларининг бегариз ёрдамларидан ижтимоий ҳимоя мақсадида фойдаланиш мумкинлигини эътироф этди.

Ўзбекистонда бу борада етарли тажриба тўпланган, ижтимоий ҳимоя соҳасида айнан давлат ва хусусий шерикчилик алоқалари йўлга қўйилган. Хусусан, ресурсларни фуқаролар ўртасида максалди

соғлиқни сақлаш, маданият, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилади. Зеро, миллий кадрларга таяниш, ўзаро ёрдам ва аҳолини қўллаб-қувватлашнинг жамоавий шакллари халқимизнинг бу борадаги ўзига хос кадрларидан биридир. Хусусан, маҳалла институти мазкур йўналишда алоҳида ўрин тутайди.

Бугун юртимизда инсон омидли олий кадрият даражасига кўтарилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Одамлар эртага эмас, бугун бахтли яшашни истайдилар», деган тамойилини илгари суриши ва бун бугунги сиёсатимизнинг устувор йўналишига айлантиришида ҳам айнан шу мазмун-моҳият муҳасамдир. Мазкур принцип ижроси ўлароқ, мамлакатимизда амалга оширилган инсонпарвар сиёсат одамлар ҳаётига янги гача мазмун бахш этмоқда. Хусусан, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ жойларда янгиланган намунали лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қуриш бўйича дастурнинг қабул қилиниши одамлар қалбида ашаш ва ишлашга бўлган қарашларни ўзгартириб юборди. Дастурга кўра, 2017 йилда шаҳар ва қишлоқларда умумий майдони 3,5 миллион квадрат метрдан ортиқ бўлган намунали ва кўп қаватли уйлар бунёд этилди.

2017 — 2020 йилларда шаҳарларда 945 та кўп қаватли тураржой қурилиши бўйича дастур қабул қилинган. Кам таъминланган оилалар учун Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказларида ва йирик шаҳарларда 50 мингга яқин квартиралар арзон кўп қаватли уйлар барпо қилинади. Хусусан, 2017 йилда худди шундай кўп-квартиралар, умумий майдони 800 минг квадрат метрдан ортиқ бўлган уйлар қурилиб, аҳолига топширилди. Фақатгина Тошкент шаҳрининг ўзида 420 минг квадрат метрдан ортиқ қўйилган топширилган бошланган ишларнинг қўламини кўрсатади, албатта. Бироқ аҳоли фаровонлигини таъминлаш фақат уй-жой масаласи билан боғлиқ, десақ нотўғри бўлади. Негаки, узок йиллар давомида айнан ижтимоий соҳада ўнлаб муаммолар йиғилиб келдики, оқибатда у одамларимизнинг нормал ҳаёт кечиритишларида монелик қилди.

Бугун, айниқса, қишлоқ аҳоли пунктларида водопровод тармоқларини кенгайтириш ва модернизация қилиш дастурини амалга ошириш долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Бугун махсус дастур доирасида 9 минг километр водопровод тармоқлари, 1400 қудуқ ва 3600 сув иншоотини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари олиб бориляпти. Бу Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Самарқанд, Тошкент ва Хоразм вилоятларидаги 3,2 миллион аҳолини қўшимча тоза ичимлик сув билан таъминлаб, мамлакат бўйича аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган талабини қондириш кўрсаткичини 67 фоиздан 84 фоизгача кўтариш имконини беради. Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун мамлакатимизда Уй-жой коммунал хизмат вазирлиги ташкил этилди ва Молия вазирлиги қошида махсус «Тоза сув» фонди фаолияти йўлга қўйилди.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб номланган 2017 йилда касба уюшмалари мутасаддилари барча нодавлат ва нотижорат ташкилотлар вакиллари билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари бўйлаб 2 миллион 160 минг хонадонга ташриф буюриб, оддий одамлар ҳаётини ўрганишди. Уларда аҳолини қийнаётган қарийб 650 мингта муаммо аниқланиб, 556,5 мингта муаммони ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ҳамда йил мобайнида уларнинг ижроси назоратга олинди.

Ўки йиллар давомида одамларни қийнаб келган яна бир муаммо — йўллар муаммосини олайлик. Бу ҳам давлатимиз назоратига олинди. Айни вақтда юртимизда минтақавий ва маҳаллий аҳамиятга эга

ларини, шаҳар, туман марказлари, шаҳар типидagi кўрғончалар, қишлоқ аҳоли пунктларидаги кўчалар йўл қопламаларини капитал ва жорий таъмирлаш ишлари рўёбга чиқариляпти.

Шаҳар ва қишлоқларимизда транспорт хизмати янада яхшилаш дастури асосида яқин давр ичида 74 та автовокзал ва автостанция реконструкция қилинади. Бу эса йўловчилар учун қўшимча қўлайликлар яратиб, уларнинг хавфсизлигини таъминлашда айни муддаодир. Қолаверса, 3 мингта янги замонавий автобус, 5,7 минг микроавтобус сотиб олинди. Шунга яраша 300 дан ортиқ янги автобус йўналишлари очилади.

Ҳаво ва темир йўллари катновлари инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Тошкент халқаро аэропортининг янги терминали яратилиши билан бир қаторда темир йўл линиялари қурилиши ва электрлаштирилиши амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари «бизнинг энг олий мақсадимиз одамларимизни рози қилиш» дея тақдор ва тақдор таъкидлаб келмоқда. Халқона ва самимий айтилган бу сўз, аслида, мамлакат ижтимоий сиёсатини белгилаб беради. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, ўтган бир йилдан зиёд вақт ичида юртимизда қандай оламшумул воқеалар юз берди. Тарихий ўзгаришлар шарофати билан давлат халққа яқинлашди, у энди халқ учун ишлаб бошлади. Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари фаолияти бугун наинки халқимиз, балки халқаро ҳамжамият эътирофига ҳам сабаб бўлмоқда. Мамлакатимизда таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий секторнинг шу каби бошқа соҳаларида амалга ошириляётган ислохотлар, айниқса, халқимиз дилидаги орзу-истаклар рўёбига хизмат қилаётди. Юртимизда Мак-

2017 — 2020 йилларда шаҳарларда 945 та кўп қаватли тураржой қурилиши бўйича дастур қабул қилинган. Кам таъминланган оилалар учун Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказларида ва йирик шаҳарларда 50 мингга яқин квартиралар арзон кўп қаватли уйлар барпо қилинади. Хусусан, 2017 йилда худди шундай кўп-квартиралар, умумий майдони 800 минг квадрат метрдан ортиқ бўлган уйлар қурилиб, аҳолига топширилди.

табғача таълим вазирлигининг ташкил этилиши айтиш мумкинки, миллий давлатчилигимиз тарихида туш бўрилиш ясади. Зотан, бу йўл билан халқимиз ўз келажаги пойдеворини янада мустақкам бўли-

юмушлари касба уюшмалари Федерациясининг дастурий ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Унга кўра, касба уюшмаларининг меҳнатқашлар учун ижтимоий кафолатлар ва ижтимоий ҳимоя соҳасидаги фаолияти қуйидагиларга йўналтирилмоқда: қонун ҳужжатларида аҳолининг заиф қатлам-

Шаҳар ва қишлоқларимизда транспорт хизматини янада яхшилаш дастури асосида яқин давр ичида 74 та автовокзал ва автостанция реконструкция қилинади. Бу эса йўловчилар учун қўшимча қўлайликлар яратиб, уларнинг хавфсизлигини таъминлашда айни муддаодир. Қолаверса, 3 мингта янги замонавий автобус, 5,7 минг микроавтобус сотиб олинди. Шунга яраша 300дан ортиқ янги автобус йўналишлари очилади.

ларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишга қўмақлаштириш, ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, имконияти чекланган болалар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижти-

моий қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органлари, иш берувчилар билан ҳамкорлик қилиш, бандликнинг ноанъанавий шаклларида машгул қилишлар (норасмий секторда машгул, вақтинча ва мавсумий ҳодимлар ва бошқалар) ҳамда уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимояга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, пенсионерлар, ногиронлар, балоғатга етмаганлар, ёлғиз кексалар ва юқори даражадаги ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқароларнинг бошқа тоифаларини ижтимоий ҳимоялаш, «Корпоратив ижтимоий масъулият» ва «Ижтимоий масъул корхона» концепциясини ишлаб чиқиш ва уни кенг қўллаш.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш жараёнида кам таъминланган оилалар, кўп болали оилалар, пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийларини жамоа шартномалари ва келишувлари орқали моддий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари қабул қилинади. Чунинчи, 2017 йилнинг ўзида касба уюшмалари томонидан 3073 нафар меҳнат фахрийси ва кексаларнинг республикамиздаги тарихий шаҳарлар ҳамда диккатта сазовор жойлари бўйлаб экскурсияси ташкил этилган бўлса, 592 нафар ёлғиз кекса ва ногироннинг коммунал тўловлари қоплаб берилди. Давлат байрамлари муносабати билан «Мурувват» ва «Саховат» уйлариди маданий-маърифий тадбирлар уюштирилиб, у ердагиларга 136,4 миллион сўмлик маиший техника, кийим-кечақлар, гигиеник воситалар берилди. Айни чоғда жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 110 минг нафар кекса аялов вақили иш берувчилар ва касба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 41,9 миллиард сўм миқдорда моддий қўллаб-қувватланди.

Касба уюшмалари тизимидagi санаторийларда 2366 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан соғломлаштирилди, 7385 нафар ишловчи пенсионер ва касба уюшма аъзосининг ота-оналари эса имтиёзли асосда, шунингдек, 344 нафар ишловчи пенсионерга бепул соғлиқларини тиклаш учун имконият яратиб берилди. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб номланган 2017 йилда касба уюшмалари мутасаддилари барча нодавлат ва нотижорат ташкилотлар вакиллари билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари бўйлаб 2 миллион 160 минг хонадонга ташриф буюриб, оддий одамлар ҳаётини ўрганишди. Уларда аҳолини қийнаётган қарийб 650 мингта муаммо аниқланиб, 556,5 мингта муаммони ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ҳамда йил мобайнида уларнинг ижроси назоратга олинди.

Касба уюшмалари Федерацияси томонидан кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган хайрия акцияси доирасида шу йилнинг апрель-май ойларида 3280 боланинг суннат тўйлари ва 616 ёш оиланинг никоҳ тўйлари ўтказилди. Касба уюшмалари Федерацияси 2017-2018

йилларда аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор манзилли дастурлар ижросини ҳам мувофиқлаштирмоқда. Хусусан, касба уюшмалари Илчи гуруҳлари томонидан шакллантирилган рўйхатлар асосида хунармандчилик, тадбиркорлик



йўналишларини очиш, шахсий томорка участкасини, шунингдек, чорва моллари ёки парранда ҳарид қилиш, йўналишлари бўйича ўз оиласининг иқтисодини тиклаш истгани билдирган минглаб кам таъминланган оилаларга имтиёзли кредитлар олиб берилди. Юзлаб ночор оилаларнинг уй-жойи таъмирланди, минглаб хонадонларга маиший техника олиб берилди. Шундай оилаларнинг аъзолари бўлган юзлаб оғир хаста бўлган беморларга моддий қўмақ берилди. Жорий йилда ҳам бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Касба уюшмалари Федерацияси аҳолини доридармон воситалари билан таъминлашдек ўта масъулиятли ва жиддий вазифани ҳам мувофиқлаштирмоқда. Бугунгача мамлакатнинг чекка туман ва қишлоқларида 2000 дан ортиқ ижтимоий аптека нишга туширилиб, олис ҳудудларда яшовчи минглаб инсонларнинг оғирини енгил, узогини яқин қийишга бош бўлинди.

Кўриниб турибдики, Федерация фаолияти бугун биргина иш берувчи ва ишчининг муносабатлари билангина чекланиб қолаётгани йўқ. Айтиш жоиз бўлса, инсон манфаатлари, унинг яшаш, меҳнат қилиш борасидаги ҳуқуқларини таъминлашнинг кўп қиррали жиҳатларида касба уюшмалари бевосита иштироки, ўз сўзи ва ўрнига эга ташкилотга айланиб улгурди. Шу маънода, тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон ўзи тўплаган ва халққа, кенг жамоатчиликка манзур ва маъқул бўлаётган тажрибасини дунё жамоатчилиги эътиборига етказиши, бу борадаги жаҳон ҳамжамияти эътибори ва диккат марказидаги муаммоларни муҳокама қилиш, уларнинг ечимини бўйича тажрибаларни ўртоқлаштишга тайёр.

Бинобарин, бўлиб ўтишлиқи қўтиляётган анжуманининг биз учун алоҳида аҳамият касб этиши шубҳасиз. Биз унда иштирокчилар эътиборига қуйидаги тақлиф ва мулоҳазалар билан ҳам мурожаат қилмоқчимиз:

- меҳнат ва ижтимоий муносабатларни алоҳида-алоҳида тартибга солишга йўналтирилган меҳнат қонуқчилигини янада тақомиллаштириш;
- меҳнат соҳасидаги асосолуви тамойиллар ва ҳуқуқларни 40 соатлик иш ҳафтаси, йиллик ҳақ тўланадиган таътил, оналикни муҳофаза қилиш ва миғрат меҳнатқашларнинг асосий ҳуқуқларини ҳимоялашни қиритиш билан кенгайтириш;
- трансмилий корпорациялар ҳодимларига бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш тамойилига риоя қилиш;
- меҳнатни илмий асосланган меъёрлаштиришни қайта тиклаш;
- ХМТ ваколатини инобатга олиб, меҳнат соҳасини бошқаришда бошқа халқаро институтилар ролини қайта кўриб чиқиш, ХМТ доирасида назорат механизми ва техник ҳамкорлик имкониятларидан янада самарали фойдаланиш;
- барча учун бутун умри мобайнида («бир умрлик таълим») касб таълимига эга бўлишни соддалаштириш;
- меҳнат соҳасини бошқаришда давлат органлари, касба уюшмалари ва уч томонлама институтилар ҳаракат соҳасини аниқ чегаралаш;
- меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори стандартлари, иш вақти ва дам олиш вақти меъёрларини қатъий назорат қилиш;
- меҳнат шартномаларини дигитализация қилишни жорий этиш;
- ижтимоий ҳимояни ноанъанавий бандликнинг барча шаклларига кенг ёйиш;

касба уюшмалари ва иш берувчилар уюшмаларининг уч томонлама тузилмалардаги қонуний вақиллиги муаммосини ҳал этиш мақсадида меҳнат соҳасини бошқариш борасида ижтимоий шерикларнинг ролни ва ўрнини қайта кўриб чиқиш. Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, меҳнатқашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга муносаб турмуш шароитлари яратиш бугунги замонавий дунёнинг энг инсонпарвар кадриятларидан бирига айланди. Оддий одамлар орзу-истаклари, дард-у ташвишларини ўзида жамлаган бу эзуқ кадрият янгиланаётган мамлакатимиз сиёсати билан ҳамоҳанг эканлиги ҳар биримизни қувонтиради, албатта.

Қудратилла РАФИКОВ,  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси

2017 йилнинг ўзида касба уюшмалари томонидан 3073 нафар меҳнат фахрийси ва кексаларнинг республикамиздаги тарихий шаҳарлар ҳамда диққатга сазовор жойлари бўйлаб экскурсияси ташкил этилган бўлса, 592 нафар ёлғиз кекса ва ногироннинг коммунал тўловлари қоплаб берилди. Давлат байрамлари муносабати билан «Мурувват» ва «Саховат» уйлариди маданий-маърифий тадбирлар уюштирилиб, у ердагиларга 136,4 миллион сўмлик маиший техника, кийим-кечақлар, гигиеник воситалар берилди. Айни чоғда жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 110 минг нафар кекса аялов вақили иш берувчилар ва касба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 41,9 миллиард сўм миқдорда моддий қўллаб-қувватланди.



йўл ҳамда йўл-транспорт инфратузилмаларини янада ривожлантириш дастури асосида 1,7 минг километр умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш, 10,4 минг километр хўжалиқларга қишлоқ автомобиль йўл-

Долзарб мавзу

Болаларни хурсанд қилиш жуда осон. Биргина эркалишти, мақтов билан уларнинг ширин табассумига сазовор бўлишингиз мумкин. Баъзан эса ширинлик ёки ўйинчоқлар билан сийлагимиз келади. Бироқ бу борадаги танловни амалга оширишда имкониятимиз қандай, деган савол ҳаммасидан муҳимроқдир. Имконият деганда маблағни эмас, маҳсулотлар борасидаги хилма-хиллик ва уни танлаш жараёнини назарда тутмоқдамиз. Бугун болаларга мўлжалланган егуликлар бисёр. Уларнинг сеvimли маҳсулотлари бўлган ширин сақичлар, рангли ичимликлар, қотирилган нон («кириешки»), маккажўхори қаламчалари каби маҳсулотларни исталган жойдан топиш мумкин. Бироқ болаларга мўлжалланган егуликлар сифатини тартибга солиш, ишлаб чиқаришда амал қилинадиган қатъий тартиб-қоидаларга кучли эҳтиёж бўлгани ҳолда тегишли мутасаддилар «сукут» сақлашмоқда. Бу сукутнинг давомийлиги эса ёш авлоднинг жисмонан зарар кўриши учун етарли бўлиб қолмасмикан, деган хавотир она сифатида мени қаттиқ ўйлантиради. Кимдир эътироз билдирар: маҳсулот сифати қониқтирмаса, уни олиб бермаслик мумкин-ку, дея. Бироқ... Мактабдаги тушлик учун берилган пулга болангиз ҳаммаша сиз тайинлаган нарсани олармикан, деган истиҳоло ҳам бор-ку?! Нима яхши, нима ёмонлигини ажратолмайдиган болаларни баъзан ўйинчоқ, баъзан егулик тарзидаги «хавф» ичига қўйиб юборишдан кўра ана шу хатарларни таг-туғи билан бартараят эганимиз афзал эмасмикан?



# Ширинлик ичидаги «ХАВФ»

## ёхуд болалар егуликлари сифатига ким жавоб беради?

Бир пайтлар «келин тушди» маросимида болалар, киз-жувонларга сочки улашилди. Сочки ичида болапичоқ, зиракчалар, кўзумчоқлар ва албатта, куйма сақичлар бўларди. Сочкидаги куйма сақични фақатгина ёш келинларга беришарди. Болалигимизда сақич чайнаётган эркакни кўрмаганмиз. Чунки хотинларга хос саналган одат эркаклар учун ор эди. Шунингдек, ўзбекиликда бировнинг олдида, айниқса, катталар олдида кавшаниш одобсизлик саналган. Даставвал, сақични ўғил болага эрмак сифатида бердик. Кейин улар одатланишди. Энди эса катталарнинг олдида бу одатни уят ҳисоблаган миллат кизлари кўчада сақичдан оғзида шар ясаб, «пакиллаштиш»дан хижолат чекишмапти. Йигитлар эса худдики, кизлардек, сақичбозликка берилишарди.

Тақкиланган. Сақични саломатлик нуқтан назаридан врачлар рухсат берган беморгина чайнаши мумкин. Бу билан мамлакат иқтисодиётида ҳеч қандай йўқотиш юз бермади. Аксинча, санитария-тозалов ишларига кетадиган муайян маблағ иқтисод қилинмоқда.

Байрамда кадронларимиздан бири ўғилларимга шоколадлар соғва қилди. Улар орасида машҳур «Киндер-сюрприз» шоколадли тухумлари ҳам бор эди. Катта ўғлимга тухум ичидан робот, кичиғига эса далматин кучуқча чиқди. Кучуқчанинг катталиги нари борса 1,5 см. Сифатли ишланган ўйинчоқлар, ёқимсиз хиди ҳам йўқ, дедим-у, ўйнашларига рухсат бердим. Бир неча кундан сўнг ўғлимнинг ўқитганини кўриб, ниманидир ютиб юборганини билиб қолдим. Хайриятки, биринчи ёрдам кўрсатиш қўлимдан келади. Томоғидан ўша кучуқчани олгунимча, дунё чархпалаги минг марта айлангандек бўлди. Шундан сўнг болаларга мўлжалланган егуликлар ичига нега ноозик-овкат маҳсулотларини жойлаштиришар экан, деган ўй миямда айланаверди.

Максади егуликнинг сотувини сюрпризлар орқали тезлаштириш бўлган корхоналарда ҳеч қачон сифат ҳақида бош қотирилмайди. Зеро, ҳақиқий сифатли маҳсулот сюрпризларсиз ҳам ўз миқдорини топа олади. Киндер услубида кейинги пайтларда қотирилган нонлар («кириешки»), маккажўхори қаламчалари ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг ичидан чиқадиган ўйинчоқнинг ҳам, егуликнинг ҳам сифатсизлиги, қолаверса, ўйинчоқларнинг бола саломатлиги учун хавфсизлиги жиддий муҳокамага сабаб бўлгулик масала. Аммо бу борада қонунийликимиздаги бўшлиқ сабаб «уддабурун», «олғир» «тадбиркор»лар отини камчиллашмоқда. Тақкиллашга қонунан асосимиз ҳам, олиб бермасликнинг ҳам имкони деярли йўқ. Савдо шохобчаларининг бирдан қонсангиз, бошқасига «тутилмасиз». Бундай маҳсулотлар хатто мактаб буфетларида ҳам сотилмоқда.

Айрим «кириешки»лар ичига шундай ўйинчоқлар жойлаштириладики, улар осонлик билан бўлакларга ажралиб кетади ёки тигли жиҳозлар каби ўткир бўлади. Гўдак табиати барча оналарга яхши таниши: кўзига кўринган нарсани оғзига қўлиб олиб юборади. Мазкур маҳсулот ошқозонда ҳам бўлмай, ичакларга ўтади. Энг хавфли томони, ичакка ёпишиб қолиб, уни чириштиргача олиб келиши, бу билан боланинг ҳаётини хавфга қўйиши ҳам мумкин.

Бир неча йиллар олдин Сингапурда вагон эшиги ёпиштирилган сақич туфайли муҳдиш ҳалокат юз берган. Шундан сўнг мамлакатда сақичлар сотуви тақкиланган. Сақични саломатлик нуқтани назаридан врачлар рухсат берган беморгина чайнаши мумкин. Бу билан мамлакат иқтисодиётида ҳеч қандай йўқотиш юз бермади. Аксинча, санитария-тозалов ишларига кетадиган муайян маблағ иқтисод қилинмоқда.

**АЙРИМ «КИРИЕШКИ»ЛАР ИЧИГА ШУНДАЙ ЎЙИНЧОҚЛАР ЖОЙЛАШТИРИЛАДИКИ, УЛАР ОСОНЛИК БИЛАН БЎЛАКЛАРГА АЖРАЛИБ КЕТАДИ ЁКИ ТИГЛИ ЖИҲОЗЛАР КАБИ ЎТКИР БЎЛАДИ. ГЎДАК ТАБИАТИ БАРЧА ОНАЛАРГА ЯХШИ ТАНИШИ: КЎЗИГА КЎРИНГАН НАРСАНИ ОҒЗИГА СОЛИШ ОРҚАЛИ АТРОФ-МУҲИТ БИЛАН «ТИЛЛАШАДИ». ТАЖРИБАЛИ ШИФОКОРЛАРНИНГ ТАЪКИДЛАШИЧА, КЕЙИНГИ ПАЙТДА АЙНАН ШУНДАЙ ЕГУЛИК ИЧИДАГИ ЎЙИНЧОҚ ҚИСМЛАРИНИ ҚУЛОҒИГА ЁХУД БУРНИГА ТИҚИБ ЮБОРИШ КИЧИК ЁШЛИ БОЛАЛАР ОРАСИДА КЎПАЙИБ БОРМОҚДА.**

лиш орқали атроф-муҳит билан «тиллашади». Тажрибали шифокорларнинг таъкидлашича, кейинги пайтда айнан шундай егулик ичидаги ўйинчоқ қисмларини

қулоғига ёхуд бурнига тикиб юбориш кичик ёшли болалар орасида кўпайиб бормоқда.

— Сўнгги пайтларда урғу кирган қотирилган нон («кириешки») ҳам сунъий маҳсулот ҳисобланади, — дейди Ф.Мансуров. — Қолаверса, уларга қўшилладиган тазм кучайтиргичлар тўлиғича кимёвий қўшимчалардир. Мазкур маҳсулот қоринни тўйдирмайди, балки ошқозонни қуруқдан қуруқ ишлашга мажбур қилади. Натияжада ички аъзолар хасталиклари улғайганда ҳам панд бераверади.

Болалар егуликларидан ташқари шундай ўйинчоқлар ҳам борки, уларнинг на ишлаб чиқарувчиси, на мувофиқлик сертификати бор.

Дўконларда сотилаётган шарлар бунга мисол бўла олади. Уларнинг бадбўй хидига чидаб бўлмайди. Пуфлаш жараёнида бевосита шу ўткир хиддан нафас олувчи болаларда нафас йўллари касалликларини ривожланиши аниқ.

Дунёда ҳамма нарсани пул билан ўлчаш гумроҳликдир. Айниқса, бу ҳолат гўдақларимиз саломатлиги, келажак билан боғлиқ бўлса, уни кечириб бўлмайди. Бу маҳсулотларнинг ёриқларида на тўлиқ манзил кўрсатилади, на ёзилган рақамлар билан боғланиб бўлади. Бу эса ишлаб чиқариш ва савдо қоидаларига мутлақо зиддир. Ваҳоланки, улар юртимизда ишлаб чиқарилмоқда. Тегишли сертификатсиз маҳсулот ишлаб чиқараётган корхона қонуний фаолият юритаётгани кундек равшан. Табиийки, улар электр ёки газ тармоқларига уланган бўлади. Унинг истеъмоли учун тўловларни амалга оширганда қай тартибга амал қилишди? Ёки фаолият учун солиқ тўловлари қаерга тўланади? Бу каби саволлар кўп, аммо жавоблар...

Хулоса ўрнида иккита маълумот: АҚШга киндер-сюрприз шоколадли тухумини олиб кириш, сотиш тақкиланган. Қонуний тақки «бола билмай тухум ичидаги ўйинчоқни ҳам еб қўйиши мумкин» деган хулоса асосида жорий қилинган. Бир неча йил олдин Тошкент хайвонот боғи маъмурияти боғ ҳудудига айрим озиқ-овкат маҳсулотларини олиб киришни тақкилаган. Бунга сабаб сифатида хайвонот боғи жониворларининг ўлими кўрсатилган. Маълум бўлишича, хайвонлар ошқозонига тикилиб қолган ўйинчоқлар туфайли ҳалок бўлган. Ўша хабар матнида қуйидаги сўзларни ўқиш мумкин: «Биз одамларнинг ғамхўрлик кўрсатаётганидан мамнунмиз. Лекин айрим озиқ-овкат маҳсулотларини, масалан, конфет, чипс, «кириешки», поп-корн, ширин қулчалар, янги нон ва бошқаларни жониворларга бериш мутлақо тақкиланган».

Кўриниб турганидек, Тошкент хайвонот боғи маъмурияти хайвонларни болалардан кўра яхшироқ ҳимоя қилмоқда. Биз эса жиммиз. Бу жимлик қачон тугайди? Сиз нима дейсиз, азиз вазетхон? Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» муҳбири

Хотира турнири

# Яхшилик ўлмайди

Йиллар мобайнида қилинган меҳнат ва саъй-ҳаракат кун келиб ўз мевасини беради. Яхшидан боғ қолади, деганларидек қуюнчақлиги, билими ва жафоакшлиги билан кўплаб инсонлар қалбидан жой эгаллаган устоз Ропижон Қудратов ҳозирда дўстлари, шоғирдлари ва яқинлари томонидан муносиб хотирлади келинмоқда.

Р. Қудратов кўп йиллар меҳнат фаолиятини Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини олиб борди. У бир канча илмий рисола, мақола ва адабиётлар муаллифи. 2001 — 2006 йилларда институт ректори вазифасида ишлади. У раҳбарлик қилган даврда институтнинг мавқеи юксалиб, тахлил олаётган талабаларнинг мамлакат ва жаҳон ареналарида қўлга киритган совринлари янада ортди. Шунингдек, таълим даргоҳидаги биноларни қайта қуриш, аудиториялар ҳамда ўқув-спорт мажмуаларида етарлича шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Эндиликда Ропижон довланинг хотираси институт жамоаси ва талабалар кўнглидан чуқур жой эгаллаган. Унинг барча хайрли ишлари ва яхшиликларини муносиб хотирлаш мақсадида институт (эндиликда университет) томонидан ҳам катта эътибор қаратилган.

Жумладан, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетига ҳар йилги жорий йилда ҳам Ропижон Қудратов хотирасига бағишланган енгил атлетика бўйича университет очик чемпионати бўлиб ўтди. Унда 7 та олий ўқув юртидан 8 та жамоа ҳамда шахсий биринчиликда иштирок этган спортчилар қатнашди. Устоз номини ёд этиш ҳамда хотирасига муносиб ҳурмат кўрсатиш мақсадида ҳар бир талаба ёш ва спортчи бор шижоатини ишга солиб, майдонда ўз салоҳиятини намойиш этди. Икки кунлик беллашувда 312 та иштирокчи спортнинг саккиз тури бўйича қатнашди. Шундан 225 таси ўғил ва 87 таси киз бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз таълим муассасаси номини муносиб ҳимоя қилди.

— Хотира — муқаддас. Шу боис ҳам устозимиз номини ёд этдик, ҳам тенгқурларимиз билан дўстона беллашдик, — дейди 100 метрга югуриш бўйича биринчи ўрин соҳиби, Қарши давлат университети талабаси Жалолиддин Ҳамроқулов. — Мусобақа ниҳоятда кизгин ўтди. Ҳар бир жамоа ва ҳар бир иштирокчи ўз устида ишлагани, турнир учун алоҳида тайёргарлик кўргани сезилиб турди. Мухими, ушбу тадбир орқали эл қорига яраган инсон ҳеч қачон унутилмаслигининг яна бир бор гувоҳи бўлиб турибмиз.

Мусобақа натижасига кўра, умумжамоа ҳисобида 1- ва 2-ўрин меҳмон университети жамоаларига, 3-ўрин Самарқанд давлат университетига насиб этди. Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик соғвалари билан тақдирланди.



Азиз НЕСИН

Буни бизга ўқитувчимиз гапириб берган. Ўша ўқитувчимизнинг бир қариндоши Биринчи жаҳон уруши йилларида армияда офицер бўлиб хизмат қилган экан. Ўша одам кунлардан бирида қўлда кетаётган қизик бир воқеанинг гувоҳи бўлибди.

# Ибратли тасодиф

Типратикан билан «қанг» қилишаётган бўлиб, хужум қилаётган томон асосан типратикан бўлиб, у нуқул ҳамла қилар, ҳар ҳамла қилганда ўткир тиканларини илоннинг танасига санчиб оларкан. Илон четрокка ўрмалаб қочмоқчи бўлса, югуриб олдида чикар, яна най-деяркан. Охири илон шу даражада ағбор бўлибдики, қимирлашгача холи қолмади. Типрати-

кан яна хужумга шайланиб турганини кўриб, офицер қўлидаги таёғи билан уни бир-икки марта туширибди. Типратикан тил тортмай ўлибди, таёк ҳам карс этиб синибди. Офицер йўл-йўлақай синган таёғини ўйнаб, ўзи турган чодирга етиб олибди. Орадан анча вақт ўтгач, ташқарига чиқиб қараса, боғи йўғон илон чодирнинг остонасида тасмадек қўзилиб ўлиб ётган.

Уқитувчимиз шу воқеани айтиб берган, бизга бундай деган эди: — Танаси илма-тешик бўлиб кетган бир илоннинг яхшиликка яхшилик қайтариш ниётида шунча йўл босиб, таёқнинг синган учини судраб келиши, аслида, ақл бовар қилмайдиган нарсас. Лекин бу бўлган воқеа. Қолаверса, бундан ибратли тасодиф деса ҳам бўлади.

Турк тилидан Миад ҲАКИМОВ таржимаси

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 25-ўрта таълим мактаби томонидан 1987 йилда Алмаджонов Эркин Нигматулло номига берилган 1986-1987 ўқув йилида 8-синфи тугатганига ҳаважга № 668304 рақамли таълим маълумот тўртинчи шахсоннинг йўқотилган сабабини бекор қилинди.

Ўзбекистон нефт-газ ва геология ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Кенгаш фахрий аъзоси, «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖ касба уюшма кўмитасининг собик раиси **Хошим ҚОСИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Талабаларнингизга биноан, «Ishonch» газетаси 2018 йилининг апрелдан сотувга чиқарилди.

<p><b>МУАССИС:</b></p> <p>O'zbekiston kataba uyushmalar Federatsiyasi</p> <p>2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.</p>	<p><b>Бош муҳаррир:</b> Ҳусан ЭРМАТОВ</p> <p><b>Бўлимлар:</b> Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63 Хўқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43 Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73</p> <p><a href="http://www.ishonch.uz">www.ishonch.uz</a> сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.</p>	<p><b>Манзилимиз:</b> 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz</p> <p>Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва сақифланди.</p> <p>«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонасида чоп этилди. <b>Корхона манзили:</b> Буюк Тўроқ кўчаси, 41-уй.</p> <p><b>Таҳририят ҳисоб рақами:</b> 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «proteka bank» Яшнобод филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100</p>	<p><b>Ҳудудлардаги муҳбирлар:</b> Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-91) 268-92-32 Андижон — (+998-91) 475-23-60 Бухоро — (+998-93) 653-50-81 Жиззах — (+998-91) 943-67-44 Наманган — (+998-90) 260-50-77 Навоий — (+998-93) 314-13-03 Самарқанд — (+998-97) 915-50-87 Сирдарё — (+998-90) 610-95-55 Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07 Фаргона — (+998-91) 141-27-70 Хоразм — (+998-90) 719-48-00 Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01</p>	<p><b>Навбатчи муҳаррир:</b> У. Ибодинов <b>Навбатчи:</b> С. Абдурахмонов <b>Мусаҳҳих:</b> С. Шодиева <b>Саҳифаловчи:</b> Ҳ. Абдужалилов Босишга топшириш вақти: — 00:10 Топширишди: — 02:00 123 56 Газета офсет усулида, А2 форматда босилди. Ҳармин 2 босма тибок. Буюлтыра Г — 409. 33247 нускада босилди. Нашр кўрсатиши: 133</p>
--	---	--	--	---